

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**  
 Нурота туман Ободонлаштириш бошкармаси  
 башчысы  Р.Сайдов  
 " 2022 йил



Нурота туман Ободонлаштириш бошкармаси

### ТЕХНИК ТОПШИРИК

| <b>№</b>  | <b>Асосий маълумотлар</b>                        | <b>Бажарувчи</b>   |
|-----------|--|--|
| <b>1</b>  | Объект номи                                      | Нурота тумани Ободонлаштириш бошкармасига карашли<br>Нурота тумани А.Темур МФЙ Абдиназар ота 2<br>қишлоғидаги ички йўлини жорий таъмирлаш ишларини<br>бажариш                                    |
| <b>2</b>  | Буюртмачи  | Нурота туман Ободонлаштириш бошкармаси   |
| <b>3</b>  | Буюртма учун асос                                | Харажатлар сметасида режалаштирилган маблаглар   |
| <b>4</b>  | Объектнинг<br>жойлашган ўрни                     | Навоий вилояти Нурота тумани   |
| <b>5</b>  | Катнашувчилар учун<br>талаблар                   | Нурота тумани Ободонлаштириш бошкармасига карашли<br>Нурота тумани А.Темур МФЙ Абдиназар ота 2<br>қишлоғидаги ички йўлини жорий таъмирлаш ишларини<br>сифатли ва белгиланган муддатларда бажариш |
| <b>6</b>  | Тизкорат<br>таклифларини тақдим<br>этиш шартлари | Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома.  |
| <b>7</b>  | Бажарилган ишлар<br>хисоб-китоби                 | Бажарилган ишлар учун счет-фактурага асосан тўлов<br>амалга оширилади.   |
| <b>8</b>  | Ишни бажариш<br>муддати                          | 2022 йил июн ойи.  |
| <b>9</b>  | Техника хавфсизлиги<br>буйича талаблар           | Иш бажариш жараёнида техника хавфсизлик қондаларига<br>тула риоя килиш шарт.   |
| <b>10</b> | Молиялаштириш<br>манбаси                         | Бюджет маблаглари  |



**Бажарувчи ташкилотни таилаб олиш учун**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ**

**Нурота - 2022**

# **Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Танлов предмети: Нурота тумани А.Темур МФЙ Абдиназар ота 2 кишлогидаги ички йўлини жорий таъмирлаш
- 1.2. Танловнинг юкори қиймати – **178 640 765 (Бир юз етминш саккиз миллион олти юз кирк минг етти юз олтмиш беш)** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Бажариладиган ишлар бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова килинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблаги ўtkazilgan кундан бошлаб хисобланади.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

- 2.1. **Нурота туман Ободонлаштириш бошқармаси** (бундан кейин-“Буюргачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюргачи” манзили: Ўзбекистон, Навоий вилоят Нурота туман, М.Рахимов кўча 77 уй.

Эл.адрес: [nur-obodonlashtirish@umail.uz](mailto:nur-obodonlashtirish@umail.uz)

2.2. Танлов “Буюргачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **Нурота туман Ободонлаштириш бошқармаси** “Буюргачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

тандов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблагларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектларда ишланган тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларниң мўлжаллаиёттани хажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);  
Низом маблаги миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конуичиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгилантан тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:  
кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тутатиш ёки банкротлик арафасида турғанлар; мол-мулки мусодара килингандар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Танлов учун таклифлар ва уига тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёринга кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида кўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан кўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошка боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдикланган холда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдикланган холда тақдим этишлари лозим.

4.3. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаёттани хужжатларниң ҳакқиийлиги ва маълумотларниң ҳакқонийлигига тўлик жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тутагунга кадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзgartiriш киритиш хукукига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун таълукли холда эълон килинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йиғилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги карор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган карор кабул килиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳакқиийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг конунчиликда белгиланган тартибда

давлат буюртмачиси билан ўрнатылған тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш түгрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар беріш муддати тугайдиган санадан камидан уч күн олдин қарор қабул қилишта ҳақлы. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар беріш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камидан ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш түгрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар беріш муддати тугайдиган санадан камидан икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталидаги эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чикиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш түгрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегиши тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади